

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Мехмонали Суванкулов*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20136356>

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг шакл, усул ва йўналишлари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ҳамкорлик жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим институт эканлиги асосланган. Амалдаги қонунчиликда асосан ахборот алмашинуви устувор бўлиб, ташкилий ва функционал шакллар етарли даражада тартибга солинмаган. Шу муносабат билан уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, маҳалла, ҳамкорлик, жамоат хавфсизлиги, шакл, усул, ҳуқуқий тартибга солиш.

Abstract. The article analyzes the forms, methods, and directions of cooperation between internal affairs bodies and citizens' self-governing bodies. Their importance in ensuring public safety is substantiated. It is noted that legislation mainly focuses on information exchange, while organizational and functional forms are underdeveloped. Improvement proposals are provided.

Keywords: internal affairs bodies, mahalla, cooperation, public safety, form, method, regulation.

Аннотация. В статье анализируются формы, методы и направления сотрудничества органов внутренних дел и органов самоуправления граждан. Обоснована их роль в обеспечении общественной безопасности. Отмечено, что законодательство в основном регулирует информационный обмен, а организационные и функциональные формы недостаточно развиты. Даны предложения по совершенствованию.

Ключевые слова: органы внутренних дел, махалля, сотрудничество, общественная безопасность, форма, метод, регулирование.

Бугунги кунда давлат бошқаруви тизимида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги тизимли ҳамкорликни таъминлаш бошқарув самарадорлигини оширишнинг устувор омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳамкорликнинг шакл, усул ва йўналишларини жамиятнинг замонавий эҳтиёж ва талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурати Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида¹, давлат

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони // [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; https://lex.uz/uz/docs/5749291](https://lex.uz/uz/docs/5749291)

рахбари маърузаларида², Вазирлар Маҳкамаси қарорларида³ ҳамда илмий тадқиқотларда⁴ изчил таъкидланиб келинмоқда.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий механизмларини такомиллаштиришда ҳамкорликнинг шакл, усул ва йўналишларини назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг шакллари, усуллари ва йўналишларини тадқиқ этишда, аввало, мазкур ҳамкорлик тизимини ташкил этувчи “шакл”, “усул” ва “йўналиш” каби категорияларнинг этимологик ҳамда назарий мазмунига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса уларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш ва илмий жиҳатдан тўғри талқин этиш имконини беради.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига мувофиқ: “шакл – ўзаги арабча شکل – кўриниш, расм; тарз, усул” сўздан олинган бўлиб, нарсанинг ташқи кўриниши, сиртқи қиёфаси, ифодаси⁵; “усул – ўзаги арабча لأصو – асосий қоидалар, қонунлар; қабул қилинган тартиб” сўздан олинган бўлиб, бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли, ҳаракат тарзи, хили, тартиби; йўл⁶; “йўналиш – ўзаги йўналмоқ феълидан олинган бўлиб, бирор нарсанинг ҳаракатдаги йўли, ҳаёт фаолиятдаги муйян йўл⁷ деган маъноларни англатади.

Ҳамкорлик шакллари таҳлил қилишдан олдин, илмий-методологик нуқтаи назардан “модел”, “шакл” ва “усул” каби категорияларнинг мазмунига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки мазкур тушунчалар ҳамкорлик жараёнининг назарий асосларини англашда муҳим эвристик аҳамият касб этади.

Хусусан, ҳамкорлик модели унинг мазмун-моҳиятини умумлашган тасаввурий кўринишда ифодалайди ҳамда тизимнинг концептуал тузилишини акс эттиради. Ҳамкорликнинг шакли эса унинг ташкилий тузилиши, ички ва ташқи имкониятлари ҳамда амалий намоён бўлиш кўринишини англатади. Шу нуқтаи назардан, шакл ҳамкорликнинг институционал ифодасини белгилаб берувчи категория сифатида намоён бўлади.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 мартдаги “Маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини ва ҳамкорлигини самарали таъминлаш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №137-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.03.2024 й., 09/24/137/0220-сон. <https://lex.uz/uz/docs/6840781>;

⁴ Конституция ва ижтимоий давлатчилик. Х.Т.Одилқориев. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar Publish, 2022 й.; Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / Исмаилов И, М.Зиёдуллаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 122-б.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «O`zbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. – 537 б.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «O`zbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. – 303 б.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «O`zbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. – 281 б.

Усул эса ҳамкорликни амалга ошириш механизмини, яъни унинг қандай тарзда ташкил этилиши ва амалга татбиқ этилишини кўрсатувчи амалий категория ҳисобланади. Бошқача айтганда, усул муайян шакл доирасидаги фаолиятни ҳаракатга келтирувчи, уни самарали амалга оширишга йўналтирувчи восита сифатида хизмат қилади ҳамда шакл билан мазмун ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажаради⁸.

Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг шакллари ва усуллари масаласи илмий адабиётларда бир қатор олимлар томонидан турлича ёндашувлар асосида таҳлил этилган. Хусусан, айрим тадқиқотчилар мазкур йўналишни мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган махсус изланишлар олиб борган бўлса, бошқа мутахассислар ушбу масалани ўқув-амалий қўлланмалар доирасида ёритишга эътибор қаратганлар. Шунингдек, бир қатор таълим муассасаларида мазкур мавзуда илмий-амалий конференциялар ташкил этилиб, унда ҳамкорликнинг шакл ва усуллари оид турли илмий фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Албатта, ушбу илмий қарашлар ва ёндашувлар ягона, мутлақ ва умумэътироф этилган хулоса сифатида баҳоланмайди, балки улар ўртасида муайян баҳсли ва мунозарали жиҳатлар ҳам мавжуд. Шу боис, мазкур илмий фикрларни танқидий-аналитик ёндашув асосида кўриб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятини холис баҳолаш ҳамда мутлақ ҳақиқат сифатида эмас, балки илмий баҳс ва тадқиқот предмети сифатида таҳлил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳамкорлик шакллари таснифлаш масаласида Е.В. Кричёк полиция ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган шаклларга ажратишни таклиф этади. Унинг мазкур ёндашуви ҳамкорлик жараёнини ҳуқуқий тартибга солинган ва расмийлаштирилган муносабатлар ҳамда тўғридан-тўғри норматив-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайдиган ташкилий-амалий фаолият йўналишлари нуқтаи назаридан тизимлаштириш имконини беради⁹. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий шакллар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади, юридик мазмунга эга бўлади ҳамда уларни амалга ошириш оқибатида аниқ ҳуқуқий натижалар вужудга келади. Бу турдаги шакллар, одатда, давлат-ҳуқуқий муносабатлар доирасида расмийлаштирилган тартибда амалга оширилиб, мажбурий ижро этиш хусусияти билан ажралиб туради. Ҳуқуқий бўлмаган шакллар эса тўғридан-тўғри юридик оқибат келтириб чиқармасдан, асосан ташкилий, ахборот-алмашинув ва ижтимоий ҳамкорлик характерида эга бўлган фаолият кўриниши сифатида намоён бўлади.

Мазкур ёндашувга кўра, ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий шакллари қаторига фуқаролар ва жамоаларнинг расмий мурожаатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, норматив ҳужжатларнинг жамоатчилик муҳокамалари, жамоатчилик эшитувлари, норозилик намоишлари, жамоатчилик экспертизаси ҳамда

⁸ Ш.У.Якубов. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. юрид.фан.докт., –Т., 2018. 47-б.

⁹ Кричёк Е.В. Организационно-правовой механизм обеспечения конституционных прав и свобод человека и гражданина в условиях взаимодействия полиции и институтов гражданского общества в Российской Федерации: Дис. ... д-ра. Юрид. Наук. – М.: Академия управления МВД Российской Федерации, 2014. – С. 402.

жамоатчилик аккредитацияси каби институтлар киритилади. Ҳуқуқий бўлмаган шакллар эса йиғилишлар, конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга қаратилган турли мулоқот форматларини ўз ичига олади.

Шу билан бирга, ҳуқуқшунос олимлар Н.Д. Нечевина, И.П. Яблоков, А.Д. Полищук ва В.К. Колпаковлар ҳамкорлик шаклларини янада кенгроқ ёндашув асосида таҳлил этиб, улар қаторига ахборот алмашиш, тезкор вазиятга мос равишда куч ва воситаларни биргаликда тақсимлаш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда фуқароларни ҳамкорлик жараёнларига жалб этиш ва ўргатиш каби шаклларни киритадилар¹⁰.

Ички ишлар органлари билан бошқа давлат идоралари ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик шакллари мазмун жиҳатдан турлича бўлиб, уларни шартли равишда икки асосий йўналишга ажратиш мумкин: биринчидан, ўзаро ахборот алмашинувига асосланган ҳамкорлик; иккинчидан, амалий фаолият доирасидаги қўшма чора-тадбирларни режалаштириш, уларни амалга ошириш, натижаларини таҳлил қилиш ҳамда муайян хизмат вазифаларини ҳал этишда ўзаро кўмаклашишга қаратилган амалий ҳамкорлик.

Айнан ўзаро ахборот алмашиш ҳамкорлигининг энг кенг тарқалган ва функционал жиҳатдан энг муҳим шакллари билан бири ҳисобланади. Чунки ички ишлар органлари фаолиятида ахборотни йиғиш, уни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан ишлаш, шунингдек, профилактик чораларни белгилаш амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан айрим тадқиқотларда ахборотни олиш ва унга ишлов бериш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий технологик асосларидан бири сифатида эътироф этилади¹¹.

И.В. Иванько полиция ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни тизимли ёндашув асосида таҳлил қилиб, уни *ташкилий* ва *функционал* шаклларга ажратади¹².

Ҳамкорлигининг ташкилий шакллари, аввало, унинг институционал-ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган бўлиб, бу йўналишда мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органларини ташкил этиш муҳим ўрин тутди. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида комплекс дастурлар ҳамда қўшма тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш, уларни мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириш, қабул қилинаётган қарорларни ўзаро келишув асосида мувофиқлаштириш ҳамда барча чора-тадбирларни биргаликда режалаштириш мазкур шаклнинг асосий мазмунини ташкил этади.

¹⁰ Нечевина Н.Д. Правовое регулирование участие граждан в обеспечении правопорядка в современнй период: Монография / под ред. А.З.Гливинского. – М., ВНИИ МВД России. 2006. – С. 59.; Яблоков И.П. Взаимодействие народных дружин и милиции. – М.: Юрид. Лит., 1977. – С.27.; Полищук А.Д. Взаимодействие милиции с добровольными народными дружинами в сфере охраны общественного порядка. Административно-правовой аспект. – Киев, 1981. – С.63.; Колпаков В.К. Взаимодействие участковых инспекторов милиции с формированиями общественной – Киев, 1990. – С.35.
Қаранг: Криминалбия / Под ред. Дж. Ф. Шели; Пер. с англ. – СПб., 2003. – С. 465.

¹² И.В.Иванько. Взаимодействия органов внутренних дел и органов местного самоуправления в сфере охраны общественного порядка: состояние и перспективы. М.: Юридическая наука и правоохранительная практика., 2013. №2 (24). – С. 30-35.

Функционал шакллар эса ҳамкорликнинг бевосита амалий фаолиятда намоён бўлишини ифодалайди. Уларга қўшма тадбирлар ва махсус операцияларни ташкил этиш, шу жумладан ўқув машқлари ва тайёргарликларни ўтказиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш, ўзаро ахборот алмашинувини таъминлаш, шунингдек, юқори турувчи органларга тегишли маълумотларни ҳамкорликда тайёрлаш ва тақдим этиш каби йўналишлар киради. Бу шакллар ҳамкорликнинг амалий самарадорлигини таъминловчи муҳим механизм сифатида хизмат қилади.

Миллий қонунчилик тизимини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги ЎРҚ-376-сон Қонунининг 6-моддасида ижтимоий шериклик субъектларининг асосий иштирок шакллари батафсил белгиланган. Жумладан, улар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этишда, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ҳамда жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши назарда тутилган. Шу билан бирга, биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш, ижтимоий шериклик бўйича битим ва шартномалар тузиш, қўшма лойиҳа ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ахборот алмашиш каби ҳамкорлик шакллари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Бироқ, ушбу Қонуннинг 3-моддасида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солиниши белгиланганлиги¹³ сабабли, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари мазкур умумий қонун доирасидан ташқарида қолади. Шу боис, бундай ҳамкорликнинг шакллари, усуллари ва йўналишларини аниқ ва тизимли тартибга солиш зарурати юзага келади.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва унинг амалий механизмларини белгилаш мақсадида махсус концептуал ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва унда ҳамкорликнинг аниқ шакллари, усуллари ҳамда йўналишларини норматив даражада белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонунининг 11-моддаси таҳлили шуни кўрсатадики, унда ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги асосан ахборот алмашинуви шаклида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Жумладан, аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, тегишли бошқа ахборотларни, шу жумладан электрон форматда алмашиш масалалари назарда тутилган.

Шу билан бирга, мазкур норма мазмунидан кўринадики, қонунчиликда ҳамкорликнинг айнан шу шаклига устуворлик берилган бўлиб, ташкилий, функционал,

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги ЎРҚ-376-сон қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда. <https://lex.uz/docs/2468214>;

профилактик ёки институционал ҳамкорлик каби бошқа шакллар алоҳида ва кенг қамровда белгилаб берилмаган. Бу эса амалдаги ҳуқуқий тартибга солишда ҳамкорлик институтининг чекланган, асосан ахборот-алмашинув йўналишига йўналтирилган моделини англатади.

Натижада, ички ишлар органлари билан бошқа субъектлар ўртасидаги ҳамкорликнинг комплекс хусусияти тўлиқ ҳуқуқий ифодасини топмагани, айниқса амалий фаолиятда қўлланиладиган ташкилий ва функционал шаклларнинг норматив жиҳатдан етарли даражада очиб берилмагани кузатилади. Бу ҳолат эса мазкур йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда ҳамкорликнинг барча шакллари тизимли тартибга солиш заруратини юзага келтиради¹⁴.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-350-сон Қонунининг 12-моддаси таҳлили шуни кўрсатадики, унда Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари умумий тарзда белгиланган. Жумладан, кенгаш фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштириш, хайрия ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш, шунингдек тарбиявий масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш каби ваколатлар назарда тутилган¹⁵.

Бироқ ушбу қоида мазмунидан кўринадики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари билан ҳамкорлиги масалалари алоҳида ва батафсил тартибга солинмаган. Қонун нормалари асосан умумий ҳамкорлик йўналишларини қайд этиш билан чекланган бўлиб, ҳамкорликнинг аниқ шакллари, усуллари ва функционал механизмлари очиб берилмаган.

Бу ҳолат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари ўртасидаги, айниқса ички ишлар органлари билан ҳамкорлик муносабатларини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантириш ва тизимлаштириш заруратини кўрсатади

Ҳамкорлик шакл, усул ва йўналишларига оид илмий қарашларни, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар таҳлили натижаларига асосланиб, *биринчидан*, ички ишлар органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик шакл, усул ва йўналишларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж, уларни тадқиқ этишга янгича ёндошувларни тақозо этмоқда; *иккинчидан*, ҳамкорлик шакллари ва усуллари ўзаро уйғунликда тадқиқ этишни тақозо этмоқда, яъни ҳамкорлик шакллари бевосита амалиётда усулларни қўллаш орқали таъминланмоқда, *учинчидан*, ҳамкорлик шакл ва усуллари уйғунликда қўллаш йўналишлари эса ички ишлар органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари асосий фаолият йўналишларига мутаносиб ҳолда амалга оширилиши керак.

Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг шакл, усул ва йўналишларига оид илмий қарашлар ҳамда

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда. <https://lex.uz/docs/3027843>;

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-350-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда. <https://lex.uz/uz/docs/2156899>;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили қўйидаги методологик хулосаларни шакллантириш имконини беради.

Биринчидан, мазкур соҳадаги ҳамкорликни такомиллаштириш объектив эҳтиёж сифатида намоён бўлиб, бу ҳолат унинг шакл, усул ва йўналишларини янги илмий ёндашувлар асосида қайта таҳлил қилишни тақозо этади. Бу эса ҳамкорлик институтларини фақат мавжуд ҳолатда эмас, балки динамик ривожланиш жараёни сифатида ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Иккинчидан, ҳамкорлик шакллари ва усулларини алоҳида эмас, балки ўзаро узвий боғлиқликда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки ҳамкорликнинг шакллари амалиётда айнан муайян усуллар орқали реаллашади ва улар бир-бирини тўлдирувчи ягона тизим сифатида намоён бўлади.

Учинчидан, ҳамкорлик шакл ва усулларининг уйғун қўлланилишига оид йўналишлар ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу эса ҳамкорликнинг амалий самарадорлигини ошириш билан бирга, унинг институционал барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим институционал аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Бироқ амалдаги қонунчиликда ушбу ҳамкорлик асосан ахборот алмашинуви билан чекланиб, унинг ташкилий, функционал ва профилактик шакллари тўлиқ тартибга солинмаган. Шу боис ҳамкорликнинг шакл, усул ва йўналишлари ўзаро уйғун тизим сифатида янада такомиллаштирилиши зарур.

Шу муносабат билан, ички ишлар органлари ва маҳалла институти ўртасидаги ҳамкорликни комплекс тартибга солувчи алоҳида концептуал ёки норматив ҳужжат қабул қилиш, шакл ва усулларни бир тизимга келтириш, рақамли ахборот алмашинувини жорий этиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш орқали амалий самарадорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.